



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Boysun t., Hayot Abadiy ko'chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun_t@exat.uz, http://baysun.uz

2021-yil "15" fevral

Q-252-son

Boysun t.

Бойсун туман "Ғайрат" массиви худудидан худудидан "AGRO GREEN GOLD EXPORT" МЧЖ ҳисобига боғдорчиликни ривожлантириш учун жами 15,0 гектар лалми ер майдонини вақтинча фойдаланиш (узоқ муддатли ижара шартномаси) ҳуқуқи билан ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси, Сурхондарё вилоятида 2021 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манзилли дастури, туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 14 февралдаги 5-сонли йиғилиш баёни, ҳамда "AGRO GREEN GOLD EXPORT" МЧЖ нинг 2021 йил 10 февралдаги туман ҳокими номига ёзган 1-сонли алоқа хатига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Бойсун туман "Ғайрат" массиви "Кофрун" участкаси худудидан "AGRO GREEN GOLD EXPORT" МЧЖ ҳисобига боғдорчиликни ривожлантириш учун жами 15,0 гектар лалми ер майдонини вақтинча фойдаланиш (узоқ муддатли ижара шартномаси) ҳуқуқи билан янги боғзор барпо қилиш учун 998қ дала контурдан ажратиб берилсин.

2. Кадастр агентлиги туман бўлими (Х.Рамазонов) ер участкасига бўлган ҳуқуқни Давлат рўйхатига олиш, ер майдонини чегараси, ҳамда ердан самарали фойдаланишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ҳокимлигининг ер участкаси ажратиш қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ой мобайнида лойиҳада кўрсатилган ишлари бошланмаса ёки икки ойлик муддати ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномасини туман ҳокимлигига ўз вақтида тақдим этмаса ер участкаси ажратиш тўғрисидаги ушбу қарор бекор қилиниши тўғрисида "AGRO GREEN GOLD EXPORT" МЧЖ раҳбарига уқтириб ўтилсин.

4. Туман ҚХБ (С.Чориев)га "AGRO GREEN GOLD EXPORT" МЧЖ томонидан барпо қилинадиган боғзорни агротехник тадбирларини ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ч.Абдуназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

А.Жўраев



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бойсун туман ҳоқими

Комиссия раиси

А.Жўраев

2021 йил

«15» 02

Туман ҳоқимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари кўриб чиқувчи комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ № 5

2021 йил “14” феврал

Бойсун тумани

Комиссия раиси ўринбосари:- Ч.Абдуназаров-туман ҳоқимининг ўринбосари.

Комиссия котиби:-Х.Рамазонов-туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи.

Комиссия аъзолари:

- С.Чориев -туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи,
А.Соибназаров – туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи
И.Аъзамов- Сурхондарё вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Бойсун тумани инспектори
З.Норов - туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи,
Ғ.Ғаффоров - туман Телекоммуникациялар боғланмаси бошлиғи

Туман ҳоқимининг 2017 йил 10 январдаги 4-Ф сонли фармойишига асосан тузилган комиссия томонидан, “Кўлқамиш” маҳалласида фаолият юритаётган “AGRO GREEN GOLD EXPORT” МЧЖ нинг 2021 йил 10 февралдаги 1-сонли алоқа хати ижросини таъминлаш мақсадида, Бойсун туман “Ғайрат” массиви “Кофрун” участкаси ҳудудидаги корхона ҳисобига боғдорчиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик харитасининг 998қ дала контурдаги жами 15,0 гектар лалми ер майдонлар узоқ муддатли ижара шартномаси орқали ажратиб бериш мақсадида комиссия томонидан ўрганиб чиқилди.

Бойсун туман “Ғайрат” массиви “Кофрун” участкаси ҳудудидаги корхона ҳисобига боғдорчиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик харитасининг 998қ дала контурдаги жами 15,0 гектар ер майдонлар шарқ томони хўжалик йўлининг муҳофаза зонаси ер майдони билан, шимол томони фермер хўжалиги ер майдони билан, ғарб томони фермер хўжалиги ер майдони билан, жануб томони фермер хўжалиги ер майдони муҳофаза зонаси билан чегараланган.

Ажратилаётган жойда кўп йиллик дарахтзорлар ва бузиладиган иморатлар йўқ, мазкур жойнинг химоя майдони ҳисобга олинди, муҳандислик комуникациялари мавжуд эмас. Архитектура шахарсозлик иншоотларидан фойдаланиш имконияти бор.

Мазкур қурилиши сув, электр таъминоти ва магистрал линияларига уланиш билан амалга оширилади.

Ажратилаётган ер майдонида инсон саломатлигига зарар етказадиган объектлар мавжуд эмас. Санитария, ёнғинга қарши, ер кўчкиси, сув тошиш хавфсизлиги ҳамда қурилиш норма ва қоидалари талабларига тўлиқ жавоб беришини ҳисобга олиб, Бойсун туман “Ғайрат” массиви “Кофрун” участкаси ҳудудидаги корхона ҳисобига парандачиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик харитасининг 998қ дала контурдаги жами 15,0 гектар ер майдонлар узоқ муддатли ижара шартномаси орқали ажратиб беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридаги масалаларни хар томонланма ўрганиб чиқиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Бойсун туман “Ғайрат” массиви “Кофрун” участкаси ҳудудидаги “AGRO GREEN GOLD EXPORT” МЧЖ ҳисобига боғдорчиликни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик харитасининг 998к дала контурдаги жами 15,0 гектар лалми ер майдонлар узоқ муддатли ижара шартномаси ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “AGRO GREEN GOLD EXPORT” МЧЖ ҳисобига узоқ муддатли ижара шартномаси орқали ажратиб берилган ер майдондан тўғри фойдаланиш ва янгидан боғзор барпо қилиш белгилаб берилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари кўриб чиқувчи комиссияси томонидан ажартишга асос деб имзо чекувчилар.

Комиссия раиси ўринбосари:

Ч.Абдуназаров

Комиссия котиби:

Х.Рамазонов

Комиссия аъзолари:

С.Чориев

З.Норов

И.Аъзамов

Х.Рўзиев


Ж.Рахматов

Ғ.Ғаффоров



**Сурхондарё вилояти Бойсун туман Ғайрат массиви
“Кофрун” участкаси худудидаги қишлоқ хўжалиги ер
харитаси бир қисмидан “AGRO GREEN GOLD EXPORT”
МЧЖ ҳисобига ажратиб берилган 15,0 гектар лалми ер
майдонидан кўчирма олинган**

ХАРИТАСИ 1: 25000



Ажратилаётган лалми ер майдони

**Кадастр агентлиги туман
бўлими бошлиғи**



Х.Рамазонов

Туман ҳокими

А.Жўраевга



Туманда фаолият кўрсатаётган

"AGRO GREEN GOLD EXPORT" MCHJ

раҳбари Қодиров Хамза томонидан

АЛОҚА ХАТИ

Ушбу алоқа хати орқали Сизга шуни маълум қиламизки, МЧЖ ҳисобига интензив боғ барпо қилиш учун "Кўлқамиш" МФЙ ҳудудидаг туман ҳокимлиги захирасида бўлган ерлардан 15 гектар ер майдони ажратишингизни сўраймиз.

"AGRO GREEN GOLD EXPORT"

МЧЖ раҳбари:



Қодиров Хамза

94 - 262-00-31

BOYSUN TUMANI HOKIMLIGI	SANALAR SONI	1.
	KIRISH №	0040.
	SANASI	11.02.21